28 МАР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 51 (10.047). • 1991 йил 14 март • пайшанба • Баҳоси 6 тийин.

# 17 МАРТ — СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

## ҚАДРЛИ ВИЛОЯТИМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ!

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН

**БЮЛЛЕТЕНЬ**

1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишининг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада кафолат бериладиган федерацияси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?

**Кўрсатилган жавобларнинг бирини қолдириб, иккинчисини ўчириб ташланг.**

ҲА ЙЎҚ

**Овоз бериш чоғида ҲА ва ЙЎҚ сўзлари ўчириб ташланган ёки иккала сўз ҳам қолдирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.**

**СИЗЛАРНИ 17 март — якшанба куни биринчи Бутуниттифоқ референдумида фаол қатнашишга даъват этамиз. Бу умумхалқ сўровида Сиз ушбу саҳифада берилаётган ана шу иккита бюллетенни оласиз. Асосий ва қўшимча бюллетендаги савол улкан Иттифоқимизнинг, жонажон Ўзбекистонимизнинг, унда яшовчи бутун аҳолининг, ҳар бир фуқаронинг тақдирига бевосита дахлдордир.**

**Сизни ҳар икки саволга**

**«ҲА»**

**деб жавоб беришга чақирамиз. Чунки «ҲА» дейиш билан Сиз:**

**— ҳаммамиз учун ягона мустаҳкам қўрғон бўлган ИТТИФОҚни сақлаб қолган бўласиз;**

**— ЯНГИЛАНГАН ФЕДЕРАЦИЯ учун овоз берган бўласиз;**

**— мустақил давлатлар ҳисобланмиш РЕСПУБЛИКАЛАР СУВЕРЕНИТЕТИни ёқлаган бўласиз, бу республикалар ўз тараққиётини белгиловчи ҳамма масалаларни бемалол ҳамда эркин ҳал қилиш имкониятига эгадирлар;**

**— ҳамма республикаларда яшовчи барча миллат кишиларининг ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ТЎЛА КАФОЛАТ берилишига хайрихоҳ бўлиб чиқасиз;**

**ва ниҳоят**

**— янгиланган иттифоқ таркибида ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ МУСТАҚИЛ СУВЕРЕН РЕСПУБЛИКАга айланиши тарафдори эканлигингизни изҳор этасиз.**

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН

**ҚЎШИМЧА БЮЛЛЕТЕНЬ**

1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил тенгҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолишига розимисиз?

**Сизга маъқул бўлган жавобни қолдириб, иккинчисини ўчиришингизни сўраймиз.**

ҲА ЙЎҚ

**Овоз бериш чоғида ҳар иккала жавоб ҳам қолдирилган ёки ўчирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.**

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР коммунистларига, барча меҳнаткашлари ва гражданларига

# МУРОЖААТИ

Азиз ҳамюртлар! Ўртоқлар!

1991 йил 17 март куни Ўзбекистон ССРнинг ҳар бир граждани шундай бир йўлни танлаши керакки, Ўзбекистоннинг, бутун Советлар мамлакатининг бундан буёнги тараққиёти мана шу йўлга боғлиқ бўлади. Кўп миллатли ватанимизни умумий хонадон деб ҳақли равишда ҳисоблаётган ҳар бир кишининг тақдири ҳам янгиланган федерациянинг, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бўлиши ё бўлмаслигини танлаб олишимизга боғлиқдир.

Совет Иттифоқи халқлари бир неча ўн йиллар мобайнида қувонч ва қайғуаламга, ғалабалар ва муваффақиятсизликларга шерик бўлиб келдилар. Ўзбек халқига хос бўлган байналмилалчилик ва яхши қўшничилик асрий анъаналари айни Совет ҳокимияти йиллари мобайнида, қардош республикаларнинг ягона оиласида энг кўп равнақ топди.

Совет кишилари жипслик ва ўзаро ёрдам туфайлигина вайронликни бартараф этиб, душманга зарба бера олдилар, табиий офатдан шикаст етган Тошкентни қайтадан тикладилар. Бир вақтлар юз минглаб бечораларга бошпана бериб, уларни ўз бағрига олган Ўзбекистон кўпгина совет кишилари учун она юрт бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССРда қардош республикаларнинг ёрдами билан қудратли ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва маънавий потенциал вужудга келтирилган бўлиб, у минг-минглаб кўзга кўринмас ришталар орқали бутун Умумиттифоқ организми билан чамбарчас боғлангандир. Мана шу моддий ва маънавий алоқаларни узиш, ота-боболаримиз қон ва тер тўкиб барпо этган иттифоқни вайрон қилиш тузатиб бўлмайдиган хато бўлур эди. Доно халқимиз таъкидлаганидек, бўлинганни бўри ер, тўдадан ажралган тўрга тушар. Билакс, элга эл қўшилса эл бойийди, бирлашган ўзади.

Ўзбекистон Компартияси Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришишни эълон қилганлиги аввало халқнинг фаровонлигини оширишга, уни маънавий жиҳатдан янгилашга, ижтимоий адолатни ва республика аҳолисининг муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган.

Мустақил республикаларнинг тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, ягона Иттифоқни сақлаб қолиш — Ўзбекистон ССРнинг жўшқин ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти гарови эканлигига Ўзбекистон коммунистларининг ишончи комилдир. Биз фақат биргаликдагина ҳозирги мураккаб босқични бартараф этиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларини ҳал эта оламиз, миллатлараро муносабатларни яхшилаб, республика халқларининг хавфсизлигини ва маърифатли турмушини таъминлай оламиз.

Янги Иттифоқ шартномасининг имзоланиши ҳозирги кунда катта сиёсий аҳамият касб этмоқда. Бу шартнома марказ билан иттифоқдош республикаларнинг бир-бирига қарама-қарши туришига, қонунлар урушига, иқтисодий тартибсизликларга чек қўйиши, издан чиққан хўжалик алоқаларини қайтадан тиклаши лозим. Янги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон ССР делегацияси қатнашди, унинг манфаатлари, республика меҳнаткашларининг таклифлари ва истаклари эътиборга олинди ва у яқин вақт ичида имзоланиши мумкин.

Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг сақлаб қолинишини ёқлаб чиқайлик, «Ҳа, розимиз» деб жавоб берайлик: бундай федерацияда ҳар қандай миллатга мансуб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати тўла-тўкис таъминланади.

Биз Ўзбекистон коммунистларини, барча меҳнаткашлари ва аҳолисини Ўзбекистоннинг мустақил, тенг ҳуқуқли республика сифатида Иттифоқ (федерация) таркибида қолиши учун овоз беришга чақирамиз.

Ҳамма референдумга!

**ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**

## ЯКДИЛЛИККА НЕ ЕТСИН!

СОВЕТ Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқини тенг ҳуқуқли суверен жумҳуриятлар федерацияси сифатида сақлаб қолиш масаласи бўйича ўтказиладиган референдум халқнинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашиш, демократия ва ошкораликнинг яна бир ёрқин кўринишидир. Мамлакатимиздаги қалтис сиёсий вазиятда, иқтисодий танглик шароитида ўтказилаётган умумхалқ овоз бериши натижалари бевосита ҳар бир совет кишиси, қолаверса совет давлати тақдирида муҳим роль ўйнайди. Яқинда биз Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозининг 4-бўлимида бўлиб бир гуруҳ меҳнаткашлар билан ана шу хусусда суҳбатда бўлдик.

**Неъмат ҲАСАНОВ,** бўлим бошқарувчиси, референдум ўтказиш бўйича ноҳиядаги 13-участка комиссия раиси:

— Участкамизга ҳар куни кўплаб одамлар кела бошладилар. Улар билан фикрлашяпмиз. Меҳнаткашларимизнинг аксарияти Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқини тенг ҳуқуқли совет жумҳуриятларининг янгиланган федерацияси сифатида сақлаб қолиш тўғрисида мулоҳазалар билдирмоқдалар. Тўғри, ҳозир мамлакатимизда аҳвол оғир, лекин ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, иқтисодий эркинликларга йўл очилаётгани ҳам рост-ку. Бўлимимиз йилни 70—80 минг сўм атрофида соф даромад билан якунлади, бу ҳали оз албатта, лекин ҳарқалай яхшилик томон йўл очилаяпти. Биз участкамизда ташвиқот ишларини кучайтираяпмиз. Менимча, фақат бирлашибгина жамиятимиз олдида турган кўпдан-кўп муаммоларни ҳал этишимиз мумкин.

**Зоир ТОИРОВ,** боғдорчилик-ижара бошлиғи, 1952 йилдан КПСС аъзоси:

— Ҳар қачон бўлганидай яна бутун оғирлик коммунистлар зиммасига тушмоқда. Биз фаол ҳаракат қилишимиз, вақтни бой бермаслигимиз керак. Чунки референдум жиддий воқеа. Одамларимиз овоз бериш учун масаланинг моҳиятини тўғри тушуниб боришлари керак. Мен 52 йилдан бери совхозда ишлайман. Қийинчиликларни кўп кўрганман. Тўғри, ўзлигимизни англашимиз, ўз қадримизга етишимиз керак. Бунинг учун кенг йўл очилди. Энди гап халқимизнинг ҳамжиҳатлигида, аҳиллигида қолган. Фақат амалий иш билангина ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини унутмаслик керак. Бултур биз 60 гектар ерда янги боғ бунёд қилганмиз, бу йил яна 60 гектар ерга кўчат экамиз. Ерга ер қўшилса давлат, элга эл қўшилса ҳам давлат. Бирликка не етсин!

**Абдуқаҳҳор ТУРҒУНОВ,** қўйчилик бригадаси бошлиғи:

— Халқчилик экан, одамлар фикри турлича, ҳали референдумнинг моҳиятини тушунмаётганлар ҳам кўп. Шунинг учун партия ташкилотлари, участка комиссия тарғибот-ташвиқотни кучайтириши лозим. Мен ҳар куни тоғ кезиб чўпонларимиз ҳузурида бўламан. Ғулом Ҳасанов, Маъмур Эралиев, Ғафур Рисқулов сингари қўйчивонларимиз ҳам бирлик тарафдорлари. Иттифоқимизни сақлаб қолишимиз лозим. Биз бригадамиз бўйича бу йил биринчи марта 200 минг сўм даромад қилдик. Ахир бу иқтисодий омилларга кенг йўл очилгани туфайли-да. Ҳамжиҳатлик бўлса, қишлоқ кишисининг ҳам косаси ҳадемай оқариб қолади.

**Замира АШУРОВА:** ҳисобчи:

— Аёлларга, оналарга аввало тинчлик керак. Мана Форс кўрфазида не воқеалар рўй бермоқда. Фақат Иттифоқ таркибидагина мустаҳкам тинчликка кафолат олишимиз мумкин.

**Самад ҲАЙИТҚУЛОВ,** 13-мактаб директори:

— Бутун совет халқи, жумладан ёш авлоднинг келгуси тақдири ҳам референдум натижаларига боғлиқ. Халқимиз ҳамма вақт теран фикр қилиб, чуқур ўйлаб сўнг ишга киришган. Дўстлик ва байналмилалчилик ғояларини ҳурмат қиламиз. Қайта қуриш шарофати билан гарчи қийинчиликлар эвазига бўлса-да, ижобий ўзгариш юз бераётганидан воқифмиз. Айрим жойларда референдумда қатнашмаслик тўғрисида даъватлар ҳам бўлмоқда. Бу қайта қуриш мухолифларининг иши, деб ўйлайман. Кўп миллатли жумҳуриятларнинг тенг ҳуқуқли Иттифоқини сақлаб қолиш зарур, деб ҳисоблайман ва шунга барчани чақираман.

**Суҳбатдош**
**Н. АБДУРАСУЛОВ.**

## ИТТИФОҚ УЧУН!

МЕН 17 март куни ўтказиладиган референдумда нима деб овоз беришимни аллақачон аниқлаб олганман. Иттифоқни сақлаб қолиш тарафдориман. Чунки, ким қандай фикрда билмадим-у, бугунги шароитда иттифоқ Ўзбекистон учун жуда зарур. Айримлар ўйлаганидек, мустақиллик ҳозир биз кутган натижани беролмайди. Эски гапларни қайтариб ўтирмоқчи эмасман. Иттифоқнинг иқтисод, сиёсат масалаларидаги, мудофаа миқёсидаги роли тўғрисида мутахассислар рўзномаларда жуда асосли қилиб фикрларини билдиришди. Ҳақиқатан ҳам уларни инкор этиш мумкин эмас.

Аммо менинг бошқа бир мулоҳазам бор. Ўша биз ва юқоридаги ўртоқлар айтаётган янгиланган Иттифоқ нима эканлигини тўлиқ тушуниб етаолмаяпмиз. Шахсан мен мустақил жумҳуриятларнинг иттифоқини ёқлайман. Тўғри, марказ бўлиши табиий. Лекин бу Иттифоқда у аввалгидек жумҳуриятларга ҳар хил буйруқлар бермаслиги, ўз сиёсатини ўтказиш учун тазйиқлар қилмаслиги шарт. Демоқчиманки, жумҳуриятларнинг ўзаро боғлиқлиги, муносабати, иттифоқи бир-бирига қарамлик эмас, ўзаро мустақил ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қилиш қоидасига амал этиши лозим. Ўйлайманки, Иттифоқ шартномаси бизга ана шу имкониятларни беради.

**Ж. УРКИНБОЕВ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли жамоа хўжалиги бош мироби.**

## БИРЛАШИШ ТАРАФДОРИМИЗ

МАНА, юртимизга баҳор келди. Ҳадемай янгиланиш байрами — Наврўзни нишонлаймиз. Ушбу байрам арафасида эса юртимизда яна бир воқеа бўлиб ўтади. Бу 17 март куни ўтказиладиган СССР референдумидир. Шу куни мустақил жумҳуриятлар бирлиги учун овоз берамиз. Референдумнинг Наврўз байрами олдидан ўтиши, албатта юртимизга тинчлик олиб келади.

Мамлакатимизнинг турли жойларидаги халқлар ягона Иттифоқ учун овоз беришни ўзларига мақсад қилиб қўйишган бўлса ажаб эмас. Мен ҳам шу мамлакатнинг фуқаросиман. Унинг оғир кунларини ҳам, ёмон кунларини ҳам бошдан кечирганман. Орадан шунча йил ўтиб, энди Иттифоқни тарқатувчи кучлар пайдо бўлдими? Хўш, СССРни жар ёқасига олиб келганлар кимлар ўзи? Миллатлар дўстлигига путур етказганлар, гиж-гижловчиларни жиловлашнинг имконини топса бўладими?

Бу саволлар мени кўп қийнайди. Ахир шу кунларни деб жанг қилганмидик.

Албатта, халқларимиз фаровонлигини, яхши ҳаёт кечиришини ўйлаб, бир ёқадан бош чиқариб СССРни буюк ва қудратли давлатга айлантиргандик. Вақти келиб буларнинг ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Бугунги иқтисодий ва сиёсий тангликлар ҳам вақтинчалик. Фақат бирлашган, янгиланган ССР Федерацияси бунга барҳам беради.

Мен бирлашиш тарафдориман. Умуман, биз кексалар ҳаммани умумхалқ овозида беҳуда шов-шувларга берилмасдан мустақил жумҳуриятлар учун овоз беришга чақирамиз.

**З. НУРИДДИНОВ,**
**Тошкент райони уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси.**

**• Бирлигимизни, куч-қудратимизни сақлаб қолишнинг, ҳозирги мушкул вазиятдан қийналмай чиқиб олишнинг битта йўли бор, у ҳам бўлса референдумда «ҲА» деб жавоб беришдир.**

**• Сизларни Конституциядаги ҳуқуқингиздан фойдаланиб, ўз хоҳиш—иродангизни эркин ифода этишга, бирлигимизни ёқлаб овоз беришга чақирамиз, азиз юртдошлар!**

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:







# ДЎСТЛАР САНЪАТИ



**● БУНДАН бир йилча муқаддам «Ўзбекконцерт» қошидаги «Ханда» республика ижодий маркази ва Ҳиндистоннинг «Бомбей арт группа» ҳамда «Индиан маджик группа» жамоалари ўртасида ўзаро дўстона алоқалар ўрнатиш ҳақида шартнома имзоланган эди. Ана шу келишувга биноан йилнинг бошида «Ханда» санъаткорлари Ҳиндистонда ижодий сафарда бўлиб қайтишди. Яқинда эса ҳинд санъаткорлари республикамизга ташриф буюрдилар. Улар Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги саройида ўз санъатларини намойиш этишди. Томошабинлар ҳиндча жозибали куй-қўшиқлар ва рақсларни, ғаройиб сеҳргарлик чиқишларини зўр қувонч билан қарши олдилар. Суратларда: ҳинд санъаткорларининг концертидан лавҳалар.**

**Суратқаш А. ЖДАНОВ.**

*

ВИЛОЯТ КИТОБСЕВАРЛАР ЖАМИЯТИДА

## УЧРАШУВЛАР МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Вилоят китобсеварлар жамияти ўтган йил ва шу йилнинг икки ойи давомида районлар ҳамда шаҳарларда қатор адабий учрашувлар ташкил этди. Унда таниқли шоирлар, ёзувчилар ўз ижодий режалари ҳақида гапириб бердилар.

Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган мулоқотда эса санъатга бағишланган адабиётлар тарғиботига кўпроқ эътибор берилди. Бу даврада қўшиқчилар ва музика басталовчилар ижоди ҳам тингланди.

— Ўтган тадбирлар орасида ҳаммадан ҳам «Бобур йўлидан» адабий суҳбат-гурунги қизиқарли бўлди. Унда Бобур юрти Андижон вилоятидан 15 нафар шоир ва ёзувчи иштирок этди,— дейди жамият раиси ўринбосари Клара Қамбарова.

Китобсеварлар жамияти Алишер Навоий туғилган куннинг 550 йиллигини ҳам муносиб нишонладилар. Буюк мутафаккирга бағишланган тадбирлар йил охиригача давом этади.

Д. ИЗАТИЛЛАЕВА.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Яқинда Тошкентдаги сиёсатшунослик ва бошқарув институтида «Республикада ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаштириш ва лекция тарғиботи олдида турган вазифалар» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни институт ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси М. Искандаров очди.

Тарих фанлари доктори А. Абдуғаниев, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Михайлов, фалсафа фанлари доктори Г. Шерматова ва бошқа олимлар жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаштириш борасидаги ишлар ҳақида маъруза қилдилар, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик комитети раисининг ўринбосари, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси Ж. Маматов ошкоралик ва замон мавзуида гапирди.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти, сиёсатшунослик ва бошқариш институти томонидан ташкил этилган мазкур тадбир давомида референдумга бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Уни ҳуқуқшунослик фанлари доктори Н. Файзиев бошқариб борди.

О. ИСКАНДАРОВ.

*• Нашрдан чиқди*

# Наврўз

# РАВОЧ ҲАҚИДА АФСОНА

**Яқинда «Асотирлар ва ривоятлар» номли халқ оғзаки ижоди намуналари тўпламининг биринчи китоби босмадан чиқди. Мазкур тўпламнинг китобхонлар қўлига тегишида Абдулла Қодирий номли маданият олий билимгоҳи профессори Малик Муродовнинг салмоқли ҳиссаси бор. У киши Наврўз арафасида таҳририятимизга ташриф буюриб, қадимий ривоятлардан бирини ҳикоя қилиб берди.**

**Қуйида профессор М. Муродов томонидан ёзиб олинган афсонани эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

ҲИКОЯ қилишларича, бу воқеа қадим-қадимларда бўлган экан. Кун чиқиш томонда бир эркак билан аёл яшар, уларнинг умри ғамандуҳда ўтаётган экан. Мушфиқ аёлнинг бирин-кетин олти нафар боласи вояга етмай нобуд бўлибди. Ҳар гал боласи вафот этганда аёлнинг фарёди кўкка ўрлар экан. Йўқ, худо бераман, деса беравераркан — аёл яна тойлоқдай ўғил кўрибди. Еттинчи фарзандини еру кўкка ишонмай, офтобда соябон, шамолда қалқон бўлибди. Елга едирмабди, сувга олдирмабди. Бола тетапоя бўлганда қаёқдандир Ҳумо қуши учиб келибди-да, аёлга қандайдир ўсимликнинг уруғини ташлабди. «Шуни экиб кўкартир, боланг есин, у ёғини ўз кўзинг билан кўрасан», дебди. Аёл аввалига уруғни: «Бир балоси бўлмасин тағин», деб экишга қўрқибди. Кейин: «Таваккал, қани экиб кўрай-чи, нима униб чиқаркан», дебди-да, уни ерга қадабди. Уруғ униб чиқиб, бир жуфт барг пайдо қилибди. Ўсимлик энди авж оламан деганда қаёқдандир Гармсел келиб қолибди. У қутургандан қутурибди. Еру кўкни унинг ғазаби тутибди. Бояги ўсимлик ҳам бошқалар қатори ҳолдан кетиб, сувсизликдан сўлий бошлабди. Шунда аёл Гармсел бобога тик бориб, гўдагига аталган сутини сув ўрнида ўсимликка тўкибди. Она сутидан ўсимликка аста-секин жон кириб, у қаддини кўтара бошлабди. Аёл сутидан яна тўкибди. Гармсел бобо қанчалик қаршилик қилмасин; онанинг йўлини тўса олмабди, ожизлик қилибди. Гармсел бобо онага кучи етмагач, унинг якка-ю ёлғиз боласига ташланибди. Онанинг еттинчи боласи Гармсел бобонинг ҳамласига бардош беролмай сўла бошлабди. Юз-кўзлари сарғайиб, қўлоёғидан мадор кетиб йиқилиб қолибди. Она боласини кўриб «Бу ҳам ўлиб қоларкан-да?» деб қўрқиб додфарёд кўтарибди, Гармселга ёпишиб кетибди. Гармселнинг баттар жазаваси тутиб, болани бўғаверибди. Она ўзини қаёққа урмасин, ажал домига судраётган боладан қутқариб қолишга кўзи етмай ҳолдан кетибди. Мадор бўлар деб ўғлига кўкрагини тутса сути йўқ эмиш. Шу пайт ёдига кўкрак сути бериб, Гармселдан сақлаб қолган, Ҳумо қуши ташлаб кетган уруғдан униб чиққан ўсимлик келибди. Дарров ўсимликнинг олдига бориб, озор бермаган ҳолда битта баргини синдириб олибди-да, боласининг оғзига солибди. Бола оғзидаги барг таъмидан ўзига келиб, тамшаниб-тамшаниб кўзини очибди. Эртасига ҳам ўсимликдан олиб келиб боласига берибди. Кўп ўтмай бола ҳеч нима кўрмагандай тузалиб, югургилаб кетибди. Она ўсимликдан беҳад миннатдор бўлиб, унинг уруғларини териб олиб, кунгай-кунгай жойларга сепиб чиқибди. Шундан равоч кўпаяверибди. Одамларнинг дардига даво, униб-ўсишига керак бўлибди. Шу-шу одамлар орасида она сутини эмиб катта бўлган бола қанчалик қадрланса, она сутига қониб ўсган равоч кишилар ўртасида дори-дармон, униб-ўсиш учун зарур бўлган шифобахш гиёҳ сифатида машҳур бўлибди.

*• Нашрдан чиқди*

# ШАХСНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ: НИМА У ЎЗИ?

Сўнгги йилларда — «Маданий инқилоб» ҳақида, унинг ленинча услублари тўғрисида танқидий кўз билан қараш ҳоллари содир бўлмоқда. Нега шундай? Ахир ҳар қандай инқилобий ўзгариш—маданий ўзгаришсиз амалга ошиши мумкинми? Йўқ, албатта. Ҳозирги пайтда маданий қурилиш авж олаётган, уни амалга ошириш зарур бўлган бир пайтда, шахснинг сиёсий маданиятини юксалтириш муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Бироқ «сиёсий маданият» тушунчасининг ўзи, унинг мазмуни ва тузилиш таркиби ҳам бир хил эмаслигини биргина республикамизнинг ўзидагина турлича талқин қилишади. Шу боисдан, олганда, меҳнаткашларнинг (қайси республикани олманг) миллий ва сиёсий ўзлигини англаши ҳамда ҳис қилиши гуркираб ўсаётган бир пайтда шахснинг сиёсий маданияти, савияси ва дунёқараши муаммо бўлиб қолаётир. Доцент Назар Ҳакимов худди ана шу муҳим муаммони ўз монографиясида атрофлича таҳлил қилиб, баъзи йўл-йўриқлар билан ўртоқлашади.

Шахс ва унинг ҳар томонлама ривожланиши ҳамиша муаммо бўлиб келган. Хоҳ қулдорлик тузумида, хоҳ социалистик жамиятда—бу жараён ўз мураккаблиги билан ажралиб туради. Шахснинг хулқ-атвори, тушунчаси, дунёқараши, яъни савияси унинг маданияти билан, сиёсий маданияти билан узвий боғланиб кетади. Муаллиф монографиянинг биринчи бобини «Социалистик шахс сиёсий маданиятининг моҳияти» деб номлаган ва шахснинг ҳозирги пайтдаги жўшқин фаолиятини кенг таърифлаб берган.

Дарҳақиқат, сиёсий тафаккур қила билиш — ҳар бир шахснинг тўла маданиятли эканлигидан, қайта қуриш йўл-йўриқларини (концепциясини) қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Бу борада газета-журналларда, телевидение ва радио эшиттиришларида тарғибот ишларини олиб борамиз, бироқ яхлит рисола-монография асосида таҳлил қилмаган эдик. М. Ҳакимов китоби эса ана шу муаммони ўрганиш бўйича дебоча сифатида майдонга келди.

Муаллиф монографиясини кўпроқ партия яккаҳокимлиги руҳида ёзганлиги сезилиб туради. Ваҳоланки, кўп партиялилик қарор топаётган ҳозирги пайтда бу жараён, яъни шахснинг сиёсий маданияти, унинг сиёсий ҳаракатлар ва партияларга муносабати илмий назарий таҳлил қилиниши керак эди. Зеро, шахснинг мураккаблиги ҳам, унинг сиёсий маданияти, сиёсий дунёқарашидан келиб чиқади.

Монография нусхаси хусусида ҳам икки оғиз сўз айтмоқчимиз. У бор-йўғи минг нусха. Бу ҳатто республикамиздаги кутубхоналар фондларига ҳам етмайди. Китоб ижтимоий-фалсафий ва сиёсий руҳда ёзилган. Шу йўналишдаги кутубхоналарнинг ўзи 1,5 мингдан ошади. Шунинг учун бундай илмий-оммабоп рисолаларни чоп қилишда нашриётларимиз масаланинг бу томонини ҳам ҳисобга олишлари, бундай муаммони Вазирлар Маҳкамаси даражасида ҳал қилиш лозимлигини таъкид қилмоқчи эдим. Рисолани камида 5—7 минг нусхада чоп қилиш мақсадга мувофиқдир.

**К. НОРМАТОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

РАЙОН ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИДА

## ҚУРОЛ БЎЛСА, ИХТИЁРИЙ ТОПШИРИНГ

Жиноятчиликнинг таг-томири билан қуритишда ҳамда пойтахтимизда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда ички ишлар органларининг ходимлари масъулият билан иш олиб бормоқдалар. СССР Президентининг 1990 йил 25 июль ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 31 июлдаги «Фуқароларда қонунсиз сақланаётган ўқотар қуролларини тортиб олиш» юзасидан қабул қилган қарорига асосан пойтахтимизнинг биргина Киров ноҳиясида сўнгги ярим йил ичида фуқаролардан 550 дан ортиқ турли ўқ отар қуроллар ва уларга тушадиган 2088 та ўқ, 200 дан ортиқ ясама пичоқлар, 30 та қўл гранатаси, 2 та танкка қарши ва 4 та пиёда аскар қўшинларига қарши ишлатиладиган жанговар миналар тортиб олинди.

— Бундан ташқари — дейди ноҳия ички ишлар бўлими рухсатнома бериш бўлимининг катта инспектори, милиция катта лейтенанти Х. Файзуллаев, — турли хил ясама ва хорижда ишлаб чиқарилган тўппончалар ҳам фуқаролардан тортиб олинди. Маълумки, қарорда ғайриқонуний равишда ўқ отар қуролларни сақлаётган фуқаролар ушбу қуролларни ички ишлар бўлимига ўз хоҳишлари билан олиб келиб топширсалар, уларнинг даҳлсизлиги таъминланади, дейилган. Тинтув қилиб, топиб олинган қурол эгалари устидан эса жиноий иш қўзғатилди.

Албатта, ғайриқонуний равишда уйда қурол сақлаб, жавобгарликка тортилгандан кўра ички ишлар бўлимига топширган маъқул.

Р. АКБАРАЛИЕВ.



**СУРАТДА: ИИВ аълочиси, милиция катта лейтенанти Х. Файзуллаев ва милиция капитани Х. Норбоевлар фуқаролар топширган ов қуролларини кўздан кечирмоқдалар.**

**Ҳ. СОЛИҲОВ суратга олган.**

**Муҳаррир**
**Н. НАСИМОВ.**


# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

**Ўзбекистон ССР маданият вазирлиги**
**М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси**
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
**15 МАРТ СОАТ 19.30 ДА**

## «Наврўз» хайрия концерти

**Ўзбекистон ССР халқ артисти**
Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ
**«ҚИЗИҚЧИ-90» танловининг ғолиби**
Ҳожибой ТОЖИБОЕВ
**Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг**
«ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР»
**ҲАМДА**
«ТАНОВАР» рақс ансамбллари

**Концерт дастурини Ўзбекистон телевидениесининг сухандонлари, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Фарҳод БОБОЖОНОВ ва Ҳалима ЮСУПОВАлар олиб борадилар.**

**Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.**

**Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги**
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
**16 МАРТ СОАТ 14.00 ДА**
НАВРЎЗ ТЕЛЕМАРАФОНИГА

## ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

**ҚАТНАШАДИЛАР:**
**Ўзбекистон ССР халқ артистлари:**
Ғуломжон ЁҚУБОВ,
Бобомурод ҲАМДАМОВ

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Феруза СОЛИҲОВА, Муножот ЙЎЛЧИЕВА, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Нарзиддин ШЕРМАТОВ.**

**Жумҳурият I мақомчилар конкурси совриндори Раҳматжон ҚУРБОНОВ.**

**Хонанда Олимжон ОРИФЖОНОВ**

**«ШОДЛИК», «ЛАЗГИ», «ЗАРАФШОН» давлат ашула ва рақс ансамбллари.**

**Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.**



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА**

## КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ
**РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА**
**ТОМОШАЛАР:**
**15 мартда соат 19.00 да,**
**16 мартда соат 16.00 да,**
**17 мартда соат 12 ва 15.00 да**
БОШЛАНАДИ

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.
**Касса дам олиш кунисиз, соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.**
**Олдиндан чипта сотиш ташкил қилинган.**
**Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.**
**Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.**

## «Юбилей» марказий спорт саройида

БОЛАЛАР ВА ЮҚОРИ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!
БИРИНЧИ МАРТА БАҲОРГИ ТАЪТИЛ
КУНЛАРИДА
НОВОСИБИРСК МУЗ УСТИДА
БАЛЕТИНИНГ

## БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

**ТОМОШАЛАР:**
**23 мартда соат 11 ва 14.00 да;**
**24 мартда соат 11, 14, 16.00 да;**
**25, 26, 27, 28, 29 мартда соат 11 ва 14.00 да;**
**30 мартда соат 11, 14, 16.00 да;**
**31 мартда соат 11 ва 14.00 да**

**Олдиндан чипталар сотиш ташкил этилган.**
Нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан чипта олиш учун талабномалар қабул қилинади.

Чипталар Спорт саройи, цирк кассаларида ва ваколатли кассирлар томонидан сотилмоқда.

**Спорт саройи кассаси соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.**

**МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
**КАССА: 46-03-12, 46-70-31;**



Тошкент ҳақиқати
(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

**БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.**

МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар —334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Буюртма — 4883. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12